

УЎК (УДК, UDC): 61/72

DOI: 10.36078/1565768626

ЎЗБЕК МАЪРИФАТЧИЛИГИ РИВОЖИДА ЖАДИДЛАРНИНГ ЎРНИ



Ситора Сафаровна ХАМДАМОВА

Мустақил тадқиқотчи

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

star9200@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада Марказий Осиёдаги жадидчилик ҳаракати концептуал таҳлилга тортилади. Жадид маърифатпарварлари публицистикасида уларнинг Туркистонда ижтимоий воқеликни янгилаш учун кураши, айниқса, яққол ўз аксини топган бўлиб, мазкур мақолада жадидлар публицистикасига алоҳида эътибор қартилади. Зеро, Марказий Осиёдаги маърифатпарварлик ҳаракатининг бутун тарихи публицистикасиз ўз мазмунини йўқотган бўлур эди.

Калит сўзлари: жадидчилик; маданият; публицистика; интеллектуал ва маънавий мавжудлик; эстетик характеристика; маънавий ҳаёт; мафкура; маърифий концепция; тарбия.

МЕСТО ДЖАДИДОВ В РАЗВИТИИ УЗБЕКСКОГО ПРОСВЕЩЕНИЯ

Ситора Сафаровна ХАМДАМОВА

Независимый исследователь,

Каршинского инженерно-экономического института

star9200@mail.ru

Аннотация

В статье джадидское движение в Центральной Азии подвергается концептуальному анализу. Особое внимание уделяется движению джадидов-просветителей, где ярче всего отразилась борьба джадидов за обновление социальной действительности в Туркестане. Без их публицистики была бы непонятой вся история просветительского движения в Центральной Азии.

Ключевые слова: джадидизм; культура; публицистика; интеллектуальное и духовное явление; эстетическая характеристика; духовная жизнь; идеология; просветительская концепция; воспитание.

THE ROLE OF JADIDS IN THE DEVELOPMENT OF UZBEK ENLIGHTENMENT

Sitora Safarovna Khamdamova

Independent researcher,

Karshi engineering-economics institute

star9200@mail.ru

Abstract

In this article, the Jadid movement in Central Asia is subjected to a conceptual analysis. Special attention is paid to the movement of the Jadid enlighteners, where the struggle of the Jadids for the renewal of social reality in Turkestan was most vividly reflected. And as well, without journalism, the entire history of the educational movement in Central Asia would not be understood.

Keywords: jadidism; culture; journalism; intellectual and spiritual phenomenon; aesthetic characteristics; spiritual life; ideology; educational concept; education.

Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбеклар маданиятида интеллектуал ва маънавий ҳодиса бўлган жади́дчилик ҳозирги даврда алоҳида ва махсус тарихий-маданий, фалсафий-ахлоқий ва концептуал характеристика талаб этади. Шўролар давлати тарихчилари, файласуфлари, адабиётшунослари жади́дчиликни реакцион ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида баҳоладилар. Таниқли давлат арбоби, олим, академик Б. Ғ. Ғафуров ўзининг "Тоҷик халқи тарихи" ("История Таджикского народа") номли асарининг дастлабки русча нашрида (Москва: "Наука", 1949), мазкур асарга атоқли шарқшунос олим И. С. Брагинский масъул муҳаррирлик қилган, шундай ёзади: "жади́дчилик ҳеч қачон мутараққий характерга эга бўлмаган, у ҳеч қачон миллий-озодлик ҳаракати тусини олмаган. Жади́дчилик Марказий Осиёда халққа қарши, буржуа-миллатчи, аксилинқилобий ҳаракат бўлган. Диний фанатизм туйғуларини кўзғатиб, бир миллат меҳнаткашларини бошқасига қарши гижгижлаб, жади́длар ушбу миллатларнинг ва буюк рус халқининг умумий золимларга қарши биргаликдаги инқилобий курашига улкан зиён етказдилар".

И. С. Брагинский ўзининг Садриддин Айнийнинг ижоди таҳлилига бағишланган "Из истории персидско-таджикской литературы" асарида ёзадики: "Айний ўшанда жиддий хатоликка йўл қўйди: ўзнинг маърифатпарварлик фаолиятини у жади́дчилик ҳаракти билан боғлади" (1, 34). Жади́дчилик ва жади́длар масаласида академик З. Ш. Раджабов ҳам янада кескинроқ фикр билдиради (3, 36). Ўзбекистон олимлари жади́дчилик ҳаракатини ягона ва яхлит ҳаракат сифатида қараб, уларнинг ижодини жади́длар яшаган ўша реал тарихий воқелик билан чамбарчас боғладилар. Бироқ, қизиғи шундаки, жади́длар ҳақида, айниқса, уларнинг маърифатпарварлик концепцияси, ахлоқий-эстетик қарашларига доир бор ҳақиқат ҳали тўлалигича айтилгани йўқ. Бундан ташқари, жади́дчиликнинг юзага келиши ва шаклланишига доир умумметодологик, назарий масала ҳали-ҳануз ўз ечимини топганича йўқ. Ҳар бир жади́днинг ижодиёти ҳали алоҳида-алоҳида олинган ҳолда етарлича ўрганилгани йўқ, бу эса ҳар бир жади́днинг

ижодий индивидуаллигини аниқлашга, яъни бирини бошқасидан нима ажратиб туриши ҳамда нима уларни бирлаштириши ва ҳ.к.ларни аниқлаш имконини берган бўлур эди.

Араб, Эрон ва Турк дунёсида маърифатпарварлик қандай вазифани бажарган бўлса, Марказий Осиёда жадиличлик ҳам моҳиятан айнан шундай тарихий вазифани бажарди. Мисрда, Туркияда, Эронда, Ҳиндистонда кудратли маърифатпарварлик ҳаракати шаклландики, бу Марказий Осиё шаҳарларидаги жадиличлик ҳаракатига тўғридан-тўғри ва бевосита таъсир кўрсатди. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг Мисрда, Абдурауф Фитратнинг Туркия, Эрон ва Россияда, Мирза Сирожнинг Европада ва бошқа ерларда бўлиши жадиждларнинг интеллектуал ва танқидий фикрлаш қобилиятига кўмаклашди. Жадиждлар Марказий Осиёда ҳаётнинг барча жабҳаларида ўзгаришлар учун етилган ижтимоий эҳтиёжни ўткир ҳис эта бошладилар. Зеро, жадиждлар томонидан кўтарилган масалалар Марказий Осиёда ҳаётнинг барча соҳаларига дахл қилганлиги бежиз эмас. Улар Ўрта аср ижтимоий муносабатларини қоралаб чиқдилар, ижтимоий тараққиёт ва инсонлар ҳаётини цивилизация меъёрларига мос равишда янгилаш ғояларини тарғиб қилдилар. Ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш муаммолари жадиждлар дастурида устувор ўрин эгаллади. Улар таълим тизимини ислоҳ қилишга интилдилар, ўқитишнинг европача шаклдаги янги усулларига эга янги мактабларнинг ташаббускори ва ташкилотчилари сифатида бўй кўрсатдилар. Ўзлари дарсликлар ёздилар, таълим дастурларини туздилар, маданий-маърифий муассасалар тармоғини яратдилар, турк ва форс тилларида газета, журнал, китоблар чоп этдилар ва тарқатдилар. Агар жадиждлар фаолиятига ижтимоий ва гуманитар нуқтаи назардан ёндашилса, уларнинг фаолияти яхлит ҳолда маърифатпарварлик характерига эга эканлигини қайд қилиш мумкин.

Жадиждлар, жумладан, Аҳмад Дониш жуда катта қалб изтиробини билан ўз ўлкаларининг қоқоқлиги ҳамда ҳокимият вакиллари томонидан жамият бошқарувининг мустабид (зулмкор) характери хусусида ёза бошладилар, ҳокимиятнинг жабр-зулми ва ўзбошимчалигини, руҳонийларнинг мунофиқлиги ва мутаассиблигини, судхўрларнинг очкўзлигини танқид остига олдилар. Жадиждлар чуқур идрок этган ҳолда ўз ўлкаларининг мустақиллиги, халқларнинг озодлиги, тил ва маданият равнақи ва бошқа масалаларни кескин кун тартибига қўйдилар.

Марказий Осиёда жадиличликнинг вужудга келиши ва шаклланишига ташқи таъсирлар хусусида гап кетганда, қайд этиш жоизки, одатда, шўролар

даврида тадқиқотчилар рус ижтимоий фикрининг таъсирини бўрттириб кўрсатдилар, аниқроғи мутлақлаштирдилар, шунингдек, турк, татар ҳамда эрон, афғон, араб ва ҳинд маърифатпарварларининг таъсирига етарлича урғу бермадилар. Маълумки, XX аср бошларида Ҳиндистон, Миср ва Туркияда чоп этилган форсий матбуот Марказий Осиёнинг Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларида маърифатпарварлик ғояларини кенг ёйди. Табиийки, ўз даврининг илғор ва энг ўқимишли кишилари сифатида жадидлар ушбу ходисадан четда қолмадилар. Маърифатпарварлик ғояларини ўзлаштирар экан, жадидлар Бухоро ва Туркистон воқелигини ушбу йўл орқали изохладилар ва уларга ўз халқларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларига мувофиқ миллий ва минтақавий тус бахш этдилар.

Жадидчилик юзага келиши билан ижтимоий фикр масаласи кескин ўзгарди, унинг йўналиши янада ҳаққоний, ҳаётий характер касб этди. Ушбу янги тартиблар жамиятни янгилаш билан боғлиқ муаммоларга дахл қилди, Бухоро амирлигининг ўрта аср дунёсидан европача турмуш тарзи ва фикрлашга ўтишига кўмаклашиш мақсадини кўзлади.

Марказий Осиёда жадидчиликнинг шаклланишига, Аҳмад Донишдан ташқари, илгарироқ Волгабўйи, Қрим ва Кавказнинг турк, татар халқлари орасида, хусусан, Озарбойжонда шаклланган маърифатпарварлик ҳаракати шубҳасиз катта таъсир кўрсатди. Туркий минтақаларда чоп этилган газета ва журналлар, публицистик мақолалар, маърифатпарварлик йўналишидаги журналлар Марказий Осиё шаҳарларида кенг тарқалди. Ёш турклар инқилобидан сўнг Туркиянинг Туркистон ва Бухоро амирлигига ғоявий таъсири кескин ортди. Татар ва турк тилларидаги нашрлар Марказий Осиёда жадидчиликнинг шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди.

Шу муносабат билан Исмоилбек Гаспринский томонидан Боғчасаройда 1883–1918 йиллари чоп этилган “Таржумон” газетасининг аҳамиятини қайд этиш жоиз. Ушбу газета Туркистон ва Бухорода ўнлаб обуначиларга эга эди. “Таржумон” билан бир қаторда Қозонда чоп этилган “Юлдуз”, Оренбургда чоп этилган “Вақт”, Бокуда чоп этилган “Иршод” (“Йўлбошчи”), “Ҳаёт”, Петербургда чоп этилган “Улфат” ва бошқа газеталар кенг тарқалди. Жадидчилик ғоялари янги мактаблар учун мўлжалланган дарсликлар орқали ҳам кенг ёйилди. Исмоилбек Гаспринский турк, татар халқлари нашрлари географиясини кенгайтириш, янги мактаблар очиш ва уларнинг тармоғини кенгайтириш мақсадида бир неча бор Марказий Осиёга келдилар. Марказий Осиёда янги усулда таълим берувчи дастлабки мактаблар татар мактаблари

эди. 1905 йилдан бошлаб Марказий Осиёнинг туб аҳолиси учун янги мактаблар тармоғи орта борди (2, 35).

Марказий Осиё халқларининг турмуш шароити шундай эдики, таълим тизимини ислоҳ қилиш зарурати жадидчилик ҳаракатининг бош маслагига, мазкур халқлар ижтимоий-сиёсий ҳаётининг муҳим муаммосига айланди. Таълимсиз ижтимоий тараққиёт ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Ушбу ҳақиқатни жадидлар чуқур идрок этдилар.

Мактаб ва мадрасаларда таълимни ислоҳ қилиш муаммосини татар маърифатпарварлари Абунаср Курсовий (1765–1813) ва Шаҳобиддин Маржоний (1848–1889) ҳам кўтариб чиқишган эди. Уларнинг иккаласи ҳам Бухорода таҳсил олган. Бора-бора улар диний ақидаларга асосланган схоластик таълим тизимининг душманига ҳамда таълим дастурига дунёвий фанларни киритиш тарафдорига айландилар. XIX асрнинг 80-йилларида мусулмон мактабларида, хусусан, Россиянинг татар аҳолиси орасида таълим ислоҳотларини амалга ошириш ҳаркатиغا Исмоилбек Гаспринский янги туртки берди. У шундай ёзади "... 1884 йили биз янгича таълим тизими ("усули жадид") тўғрисидаги масалани ишлаб чиқа бошладик ва Боғчасаройда янги товуш усули асосида саводхонликка ўргатиш жорий этилган мактабга асос солдик". Россияда бу янгича таълим усулида ("усули жадид"да) ишловчи дастлабки мактаб эди (2, 67).

Дарҳақиқат, жадидчилик феномени, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёга татбиқан маърифатпарварлик хусусида фикр юритар экан, академик А. Турсунов шундай ёзади: "бизнинг мазкур маърифатпарварликни Европа маърифатпарварлиги даври билан тенглаштиришга ҳаққимиз йўқ. Европа маърифатпарварлигининг асосий тарихий моҳияти унинг томонидан тантанали равишда эълон қилинган инсониятнинг мутараққий равнақ топиши йўлидаги асосий тўсиқ сифатида диннинг мафкуравий жиҳатдан эътибордан қолишига олиб келди. Эндиликда ушбу назарий уринишни ишончсизлик билан баҳолашмоқда. Бироқ шуни қайд этиб ўтиш муҳимки, динни принципиал жиҳатдан инкор этиш ноёб илмий инқилоб билан тўғридан-тўғри боғлиқ, бу Европа қитъасида содир бўлди, аммо дунёнинг қолган ҳуддуларида такрорланмади. Исломни билвосита танқид қилиш (асосан мусулмон уламолари ва мусулмон таълим тизимини танқид қилш орқали) эса Вольтер сўзлари билан "Дастлабки, мунофиқ илк аҳмоқни учратган пайтидан буён дин амал қилиб келмоқда!" — дея эълон қилган француз маърифатпарварлиги

даври суверен фалсафий-танқидий тафаккурининг ахлоқи ва жўшқинлигидан жудаям йироқ эди" (4, 49).

Бизнинг барча жадиdlаримиз, – ҳам биринчи, ҳам иккинчи авлод (Ёш бухороликлар орасидан большевиклар партияси сафларига кирган айрим вакилларни ҳисобга олмаганда), – мустаҳкам эътиқодли мусулмон бўлган ҳолда, уларнинг тарихий даври дунёқараш муҳитини белгилаб берган ислом маънавий қолипи доирасида умргузаронлик ва ижод қилдилар. Ислом дини эса уларга нафақат турмуш тарзи, балки тафаккур тарзини ҳам амр этган – мазкур ҳолатда ҳар қандай вазиятдан, шу жумладан, жамиятнинг юқорида қайд қилинган тарихий инқирозидан чиқиш йўллариини излашда ҳам маънавий йўриқнома сифатида хизмат қилган. Абдурауф Фитрат ҳатто "Нажот йўли" деган китоб ҳам ёзган, унда ўз салафлари ва замондошларининг барча ижтимоий муваффақиятсизликларини уларнинг ислом асосларини етарлича билмасликларида кўрган. Ваҳоланки, ўша давр мусулмон Шарқининг, қолверса ҳозирги даврда ҳам, тарихий таназулининг асосий маънавий сабаби – ислом дини муқаддас манбалари кўрсатмаларининг догматик талқинида эди.

Боз устига, ўз даврининг мусулмон ҳукмрон доираларига нисбатан кескин танқидий муносабатда бўлган ўша Аҳмад Дониш, умри поёнида "Меъёр ут-тадайюн" номли кескин мунозараталаб китоб ёзади. Соф эътиқодли сунний мазҳабдаги қарашларни акс эттирувчи ва ҳаддан ортиқ кескин мафкуравий йўналиш касб этган ушбу китобнинг услуби ва оҳанги анъанавий ахлоқ ва умуман диний этикет чегарасидан ҳам четга чиқади.

"Жадид" тушунчаси этимологик жиҳатдан арабчадан келиб чиққан ва у "янги" маъносини англатади. Ушбу тушунча таълим фаолиятига нисбатан ўқитишнинг янгича усули сифатида татбиқ этилди. Аммо бора-бора Марказий Осиёда маърифатпарварлик ҳаракати кенгая бориши жараёнида "жадид" ёки "жадидчилик" тушунчаси анчайин кенг ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий моҳият касб эта борди. Шундай кенг маънода жадидчилик ижтимоий фикрдаги маърифатпарварлик оқимини ҳамда Бухоро амирлигида ижтимоий-сиёсий система ислохотлари тарафдорлари ғояларини англатди, бироқ сиёсий партияга айланмади. Маданиятшунослик нуқтаи назаридан "жадидчилик" тушунчаси инсонлар маънавий ҳаётининг барча шаклларини ўзгартириш усули сифатида қўлланилди. Албатта, жадидчилик бўш заминда вужудга келгани йўқ, юқорида айтиб ўтганимиздек, унинг Марказий Осиёда пайдо бўлишига, Аҳмад Дониш ва Исмоилбек Гаспринскийнинг таъсири билан

бирга, муайян ижтимоий-сиёсий, фалсафий дунёқарашга асосланган шарт-шароит юзага келган эди.

Шу боисдан, Марказий Осиё маърифатпарварлигининг Россия ва Европадаги маърифатпарварлик ҳаракатидан фарқи ҳақида гапирганда, жадиждлар яшаган ва тирикчилик ўтказган ақл бовар қилмас оғир турмуш шароитини алоҳида қайд этиш жоиз. Мисол тариқасида, бухоролик шоирлардан аллаким ўзига "Дўзахий", яъни "жаҳаннамда туғилган" тахаллусини олган. Рус тарихчиси Д. Логофет эса ўзининг Бухородаги ишларнинг ҳолатига бағишланган мақоласини "Ҳақсизлик ва ваҳший зўравонлик мамлакати" дея номлаган.

Гарчи ўзнинг шаклланиш шароитлари, намоён бўлиши шакллари, ифода йўсинларига кўра жадиждчилик ўрта аср дунёсидан янги даврга ўтишни, эски, қотиб қолган диний, ижтимоий ва бошқа догмалардан озод бўлишни ифода этган Европа маърифатпарварлигидан фарқ қилган бўлса-да, бироқ дадил айтиш мумкинки, ўз руҳига кўра жадиждчилик Ғарбий Европанинг қудратли ақлий ҳаракатидан деярли қолишмаган. Ғарбда ҳам, бу ерда ҳам инсонни маънавий озод қилиш, унинг ижодий потенциалини уйғотиш, жамиятни уйғунлаштириш усули сифатида илм-фанга чексиз ишонч мутафаккирларнинг интилишлари объектини ташкил этган. Эркинлик, Тенглик, Биродарлик ва Тинчлик идеаллари ҳам улар учун умумий бўлган. Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам маърифатпарварларни давлат ва черков ҳокимияти истибдодига қарши чиқиш, минтақавий, этник маҳдудликка, жаҳолатга, ақлий қарахтликка қарши кураш бирлаштирган (барча туркий халқларни бирлаштириш ва большевикларга қарши кураш пантуркчиларнинг асосий шиорларидан бири бўлганлиги бежиз эмас). Шунинг ҳам унутмаслик керакки, жадиждчилик Европа маърифатпарварлигидан қарийб икки аср кейин вужудга келди. Улар ўртасидаги асосий тафовут эса намоён бўлиш шакли ва шиддатида, ғоялар ворисийлигида ва албатта, юқорида эслатиб ўтилганидек, бошқа ижтимоий-тарихий ва маданий шарт-шароитлар ҳамда ғоявий-сиёсий мўлжалларда намоён бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Брагинский И.С. Из истории персидско-таджикской литературы. — М.: Наука, 1972. — 524 с.
2. Мухаметшин Р.М. Татары и ислам в XX веке. — Казань: Издательство «Фэн», 2003. — 303 с.
3. Раджабов З. Ш. Из Истории общественно-политической мысли таджикского народа во второй половине XIX и начале XX вв. — Душанбе, 1957. — 459 с.

4. Турсон А. "В жизни я делал всё, что мечтал бы не делать..." // Иран-наме. 2017, №1–2 (41–42). — С. 19–58.

REFERENCES

1. Braginskiy I.S. *Iz istorii persidsko-tadzhikskoj literatury* (From the history of Persian-Tajik literature), Moscow: Nauka, 1972, 524 p.
2. Muhametshin R.M. *Tatary i islam v XX veke* (Tatars and Islam in the twentieth century), Kazan': Izdatel'stvo «Fjen», 2003, 303 p.
3. Radzhabov Z. Sh. *Iz Istorii obshhestvenno-politicheskoy mysli tadzhikskogo naroda vo vtoroj polovine XIX i nachale XX vv.* (History of social and political thought of the Tajik people in the second half of XIX and early XX centuries.), Dushanbe, 1957, 459 p.
4. Turson A. *Iran-name*, 2017, №1–2 (41–42), pp. 19–58.